

# ﴿Хаж ва қурбонлик

## аҳкомлари﴾

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

*Доктор Холид ибн Абдуллоҳ Муслиҳ*

**Таржимон:** *Абу Жаъфар ал-Бухорий*

**Нашрга тайёрловчи:** *Абу Абдуллоҳ Шоший*

2013 - 1434

IslamHouse.com

# ﴿الحج وأحكام الأضحية﴾

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ خالد بن عبد الله المصلح

ترجمة: أبو جعفر البخاري

مراجعة: أبو عبد الله الثراشي

2013 - 1434

IslamHouse.com

## **Биринчи хутба**

(Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир... Биз Ундан ёрдам, нафсимизнинг ёмонлиги ва амалларимизнинг шумлигидан паноҳ ҳамда мағфират сўраймиз. Оллоҳ ҳидоят қилган одамни адаштирувчи, адаштирган одамни ҳидоятловчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Муҳаммад эса Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман.

**«Ҳой мўминлар, Оллоҳдан лойиқ бўлганидек қўрқинглар ва мусулмон бўлган ҳолингизда вафот этинглар!»** (Оли Имрон: 102).

**«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан (Одамдан) яратган ва ундан жуфтани вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Оллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан қўрқингиз)! Албатта Оллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир».** (Нисо: 1).

**«Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Оллоҳ) ишларингизни ўнглари ва гуноҳларингизни мағфират қилар. Ким Оллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улус бахтга эришибди».** (Аҳзоб: 70-71)).

Сўнг ...

(Дўстлар, билинглари, гапларнинг тўғрироғи – Оллоҳнинг каломи, йўлларнинг яхшироғи – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли, ишларнинг ёмонроғи – янги пайдо бўлганлари, ҳар бир янги пайдо бўлган нарса – бидъат ва барча бидъат – залолатдир).

Оллоҳнинг бандалари, Оллоҳдан қўрқинглар ва савобли ишларни қилинглари! Шояд ичида яхшилик ва раҳматлари мўл, умрнинг энг яхши ва фазилатли кунлари бўлган мавсумдасизлар. Бу кунларда яхши ва эзгу ишларни қилганлар, Хукмдор Оллоҳ хузурида жиҳод қилганлардан ҳам афзалроқдир. Фақатгина, Оллоҳ йўлида жанг қилиш учун чиқиб, тулпори чопилган ва ўзининг қони Оллоҳ учун тўкилган мужоҳид бундан мустаснодир.

Ҳой, Оллоҳнинг бандалари! Ҳой, сиз, Оллоҳ ва охират диёрини умид қилганлар! Ҳой сиз, кенглиги осмон ва Ерларча бўлган жаннатни орзу қилганлар! Сизлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида айтган зулҳижжа ойининг муборак ўн кунидасизлар: *«Оллоҳга шу кунлар – зулҳижжанинг ўн кунлари – дан кўра суюкли бўлган солиҳ амал кунлари йўқдир»*, – дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Саҳобалар: *«Оллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам-ми?»* – деб савол беришганида: *«Ҳа, Оллоҳ йўлидаги жиҳод ҳам. Бироқ, жони ва моли билан чиққан ва уларни биронтасини олиб қайтмаган одам бундан мустасно»*, – деб жавоб бердилар. (Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 969; Термизий «Сунан», ҳадис № 757. Лафз Термизийники).

Ҳой мусулмонлар, Оллоҳдан кўрқинглар, Оллоҳдан! Бу кунларда мақомларингизни кўтарадиган, Роббингизга яқинлаштирадиган солиҳ амалларни кўп қилинглар! Чунки Оллоҳ таоло бу ўн кун ичида сизлар учун яхшиликларнинг барча дарвозасини очиб қўйди ва уларни қилиш учун тиришишга сафарбар қилди.

Ҳой мўминлар, бу ўн куннинг хусусиятларидан бири, барча ҳолат ва онларда Оллоҳнинг зикрини қилишдир. Оллоҳ таоло айтди:

**«... ва маълум кунларда (яъни Қурбон ҳайити кунларида Оллоҳ) уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (қурбонлик учун сўйиш) устида Оллоҳ номини зикр қилиш учун (келадилар)».** (Ҳаж: 28).

Умматнинг энг яхшиларидан бири, Қуръон таржимони Абдуллоҳ ибн Аббос (разияллоҳу анҳу): «Маълум кунлар», – (зул-ҳижжанинг) ўн кунлар(и)дир», – деди.

Ҳой Оллоҳнинг бандалари, бу кунлардаги энг яхши амалингиз – Оллоҳнинг зикридир. Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумо марфуъан шундай деди: *«Оллоҳнинг наздида шу ўн кунлардан кўра муаззам кун ва шу кунлардаги амаллардан кўра суюклироқ амал йўқдир. У кунлари таҳлил, такбир ва ҳамду саноларни кўп айтингиз!»* (Имом Аҳмад яхши санад билан ривоят қилди: «Муснад», ҳадис № 5423).

Ҳой мўминлар!

Оллоҳни кўп зикр қилинглари ва эртаю кеч Унга тасбиҳ айтинглари! Оллоҳни ўтириб, тик туриб, ёнбошлаб, тилингиз ва дилингиз билан зикр қилинглари! Чунки зикр, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек, қалблар ҳаёти ва неъматидир: *«Роббисини зикр қиладиган ва қилмайдиган одамларнинг мисоли, тирик ва ўликнинг мисолига ўхшайди»*. (Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 6407. Абу Мусо Ашъарий разияллоҳу анҳу ривояти).

Ҳой мўминлар, бу кунларда *«Оллоҳу акбар! Оллоҳу Акбар! Ла илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Ва лиллаҳил ҳамд»* (Оллоҳ буюқдир! Оллоҳ буюқдир! Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир! Оллоҳ буюқдир! Оллоҳ буюқдир ва Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин!) зикрини баралла айтингиз! Уни масжидларингиз, мажлисларингиз, бозорларингиз, хонадонларингиз, оилангиз ва фарзандларингиз даврасида, кечки пайт ва тонгда, наҳор ва пешин маҳаллари айтингиз! Чунки Имом Бухорий (раҳимаҳуллоҳ) «Саҳиҳ»ида Абуллоҳ ибн Умар ва Абу Хурайра разияллоҳу анҳумолар бозорга чиқиб такбир айтганлари ва одамлар ҳам уларнинг такбирларига жўр бўлганларини ривоят қилди. (Ибн Асир «Жомиъул-усул мин аҳадисир-расуул»,

ҳадис № 1754). Унутмангларки, бу кунлардаги зикр – ўша куни қилинаётган амалларнинг энг афзалидир. Балки у, тайинланмаган жиҳодлардан ҳам афзал бўлган амалдир.

Оллоҳнинг бандалари, бу кунлардаги зикр икки турлидир:

Биринчи турдаги зикрлар, мутлақ зикр бўлиб, ҳар доимо айтилади. Намозлардан кейинги зикрларга чекланиб қолмайди. Мутлақ зикрларнинг вақти зул-ҳижжа ойи кирган кундан бошлаб, ташриқ кунларининг охириги кунида тугайди.

Иккинчи турдаги зикрлар, муқайяд-чекланган зикр бўлиб, Арафа кунининг бамдод намозидан бошланиб, мутлақ зикрлар билан бирга ташриқ кунларининг охириги кунида ниҳоясига етади. Банда Роббисини, намоздан сўнгра бўлганидек, ҳар он зикр қилади. Намоз охирида салом бергандан кейин уч марта истиғфор айтиб: *«Оллоҳумма, антас-Салааму ва минкас-салаам. Табааракта, йаа Зал-жалаали вал-икром»* (Оллоҳим, сен – Саломсан ва осудалик

Сендандир. Эй олийлик ва икром соҳиби, Сен улуғ бўлдинг!) - дегач: «*Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар, ла илааҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, Оллоҳу акбар, ва лиллаҳил-ҳамд*» (Оллоҳ буюқдир! Оллоҳ буюқдир! Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир! Оллоҳ буюқдир! Оллоҳ буюқдир! Барча ҳамдлар Оллоҳга хосдир!) – дейди. Намоздан кейинги тасбиҳ, ҳамд ва тақбирлардан кейин эса бу зикрни хоҳлаганича такрорлайверади.

Эй мўминлар, қисқачаси, мутлақ зикр зулҳижжанинг ўн куни кирганидан то ташриқ кунларининг охирги кунларигача давом этади. Чекланган зикр эса, Арафа кунидан то ташриқ кунларининг охирги кунигача давом этади. Ҳой Оллоҳнинг бандалари, бу кунларни ғанимат билингиз! Оллоҳга кўп зикр ва шукр қилиб, Унга кўп ҳамду санолар айтингиз! Буюк ва Азиз Оллоҳ Оллоҳни зикр қилганингиз учун сизларга катта мукофотларни ваъда қилганидан севинингиз! Оллоҳ таоло: «**Мени зикр қилинглар Сизларни эслайман**», – деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Муфарридлар ўзиб кетдилар!*» – дедилар.

*Саҳобалар: «Муфарридлар кимлар, ё Расулуллоҳ?» – деб савол беришганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳни кўп зикр қилган эркагу аёллар», – деб жавоб бердилар. (Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 2676. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривояти).*

Ҳой мўминлар, илм аҳллари бу кунларда чорлаган солиҳ амаллардан бири, Оллоҳ таоло: *«Рўза Мен учундир ва Мен уни тақдирлайман»,* – деб айтган, рўзадир. (Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 1894. Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривояти). Бу кунларда кўпроқ рўза тутишга, хусусан, Арафа куни рўзадор бўлишга тиришинглар! Чунки, Арафа кунги рўза *«Ўзидан аввалги ва кейинги бир йил(лик гуноҳ)ларнинг каффоротидир».* (Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 1162. Абу Қатода Ансорий разияллоҳу анҳу ривояти).

Одамлар ўртасида *«Зул-ҳижжанинг ўн кунда тўлиқ рўза тутиш хатодир»,* – деган тушунча бор. Бу – нотўғридир. Чунки бу кунларда рўза тутиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қуйидаги ҳадисларида айтган умумий маънолар ичига киради: *«Оллоҳга шу кунлар – зул-ҳижжанинг ўн кунлари – дан кўра суюкли бўлган солиҳ амал*

*кунлари йўқдир», – (Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 969; Термизий «Сунан», ҳадис № 757. Лафз Термизийники). Рўза эса солиҳ амалларнинг яхшироғи ва савоби мўл бўлгандир. Балки, юқоридаги гапни айтган одамнинг мақсади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам рўза тутишни таъқиқлаган ҳайит кунда рўза тутишдан огоҳлантиришдир. Рўза солиҳ амалларнинг энг яхшиси бўлгани учун ҳам, умуман, бу ўн кунда рўза тутишнинг мустаҳаблигида шубҳа йўқдир.*

## Иккинчи хутба

(Оллоҳга ҳамдлар ва Унинг суюкли пайғамбари Муҳаммадга салавоту саломлар бўлсин).

Сўнг ...

Эй мўминлар, Оллоҳ таоло сизлар қилаётган қурбонликлар ҳақида шундай деди:

**«Оллоҳга (қилган қурбонликларингизнинг) гўшлари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин у зотга сизларнинг тақво-ихлосингиз етар».** (Ҳаж: 37).

Оллоҳнинг бандалари, Оллоҳдан тақво қилингиз ва билингизки, Оллоҳнинг қурбонлик ва (ҳаж учун олиб келган) жонлиқларни сўйишга амр қилишидан мақсад, Оллоҳ субҳонаҳу ва таолога имкон қадар катта ва қийматли чорва ҳайвонларини қурбон қилиш билан яқин бўлишдир. Зотан, Оллоҳ таолога сўйилган ҳайвонларнинг қонлари ва гўшлари етиб бормайди. Балки Оллоҳга сизларнинг Унга бўлган тақвойингиз, муҳаббатингиз ҳамда ўзингиздаги энг бебаҳо нарсаларни Унинг учун фидо этишингиз ва Унинг қонунларини

улуғлашингизгина етиб боради. Оллоҳ таоло айтди: **«(Иш) шудир. Ким Оллоҳ қонунларини ҳурмат қилса, бас, албатта (бу ҳурмат) дилларнинг тақводорлиги сабабли бўлади».** (Ҳаж: 32).

Оллоҳ таоло қурбонликларни Ўз қонунларидан қилиб қўйди ва айтди:

**«(Байтуллоҳда қурбон қилинадиган) туя-молларни Биз сизлар учун Оллоҳ қонунларидан қилдик».** (Ҳаж: 36).

Оллоҳнинг бандалари, бу қонунларни улуғланглар! Зеро, қурбонликларнинг энг афзали эгаси учун бебаҳо ва нарҳи қиммат бўлганидир!

Эй мўминлар, қурбонликлардаги зарурий шартлардан бири, уларнинг шариатда белгиланган ёшга етишларидир. Бу ёшлар қўйда олти ой, сигирда икки йил ва туяда беш йил қилиб белгиланган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам: **«Мусинна (ҳайвон)ларнигина бўғизланглар! Қийналиб қолсангизлар (олти ойлик) улоқчани сўйинглар!»** – дедилар. (Имом Муслим «Саҳиҳ», ҳадис № 1963. Жобир разияллоҳу анҳу ривояти).

«Мусинна ҳайвонлар»: учинчи ёшига ўтаётган қўй, мол ва олтинчи ёшига ўтаётган туядир.

Эй мўминлар, қурбонлик шартларидан бири, ҳайвонларнинг нуқсонсиз бўлишидир. Бароъ ибн Озиб разияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини ривоят қилади: *«Тўрт ҳайвон қурбонликка ярамайди: Бир кўзи кўрмаслиги аниқ, касаллиги аниқ, чўлоқлиги аниқ, оёғи синган ва суюғида илиги қолмагани аниқ ҳайвонлар»*. (Термизий «Сунан», ҳадис № 1497; Насоий «Сунан», ҳадис № 4371; Абу Довуд «Сунан», ҳадис № 2802. Бароъ ибн Озиб разияллоҳу анҳу ривояти).

Ушбу нуқсонлар қурбонликнинг соғломлигига зиддир ва бунга ўхшаш нуқсонлар ҳам шунга ҳукм қилинади. Масалан: бутунлай кўр, оёқлари кесилган ҳайвонлар (ҳам қурбонликка ярамайди).

Қурбонлик ёки (ҳаж учун) жонлиқ танлар экан, қулоқларининг ярми ёки четлари кесилган ёхуд қулоқларида тешиклари бўлган ҳайвонларни олмаслигимиз керак. Чунки Алий (разияллоҳу анҳу) ҳадисида: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни (ҳайвоннинг) кўз ва қулоқларига*

*қарашимизга амр қилар эдилар», – деди. (Термизий «Сунан», ҳадис № 1498; Насоий «Сунан», ҳадис № 4376; Ибн Можа «Сунан», ҳадис № 3143. Алий ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу ривояти).*

Яъни, кўз ва қулоқларнинг соғломлигига қарашга буюрар эдилар.

Қулоқдаги ёриқ, кесик ва тешиқлар қурбонликнинг раволигига моневъ бўлмасада, ажру-савобларини камайтиради. Шунинг учун, ҳой Оллоҳнинг бандалари, қурбонлик ва жонлиқларингизнинг соғ бўлишига ҳаракат қилинг! Чунки, Оллоҳ таоло покдир ва пок нарсаларнигина қабул қилади.

Ҳайвон бозорларидаги савдогарлар ҳам Оллоҳдан кўрқсинлар! Нархларни кўтариб, одамларни қийин аҳволга солмасинлар! Ёлғон гапирмасинлар! Қаллоблик қилмасинлар! Ҳайвонларнинг нуқсонларини яширмасинлар! Балки тўғри гапириб, нуқсонларини айтиб берсинлар. Ростгўйлик ва нуқсонларни айтиш – молдаги барака омилларидан биридир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай деганлар: *«Сотувчи ва харидор, модомики*

*айрилмаган эканлар, (савдони бузиш ёки бузмасликда) ихтиёрлидирлар. Агар рост гапирсалар ва (айбларини) айтиб берсалар, иккисига ҳам бу савдоларида барака берилади. Ёлғон гапирсалар ва (молдаги) нуқсонларни) яширсалар, савдоларининг баракалари йўқ бўлади». (Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 2110; Имом Муслим «Саҳиҳ» ҳадис № 1532).*

Ҳой ҳайвонфурушлар, рост гапириб, ҳайвонлардаги нуқсонларни айтиш билан Оллоҳдан қўрқинглар!

Ҳой, Оллоҳнинг бандалари!

Эй, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммати!

Бу кунларда солиҳ амалларни кўп қилингиз, Оллоҳнинг марҳаматларига қучоқ очингиз! Озуқа олингиз! Дарҳақиқат, озуқаларнинг энг яхшиси – тақводир! Тоат-ибодатларни кўп қилингиз, гуноҳ ва маъсиятлардан воз кечингиз! Чунки бу кунларда ҳасанотларнинг савоби қат-қат ортса, гуноҳларнинг жазоси яна ҳам даҳшатли ва аламли бўлади!

Ҳой мўминлар, қурбонликларингизни ҳайит намозидан сўнгра сўйишга диққат этингиз! Чунки, ҳайит намозидан илгари сўйилган ҳайвоннинг қурбонлик савоби бўлмайди. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким жонлигини намоз ўқишдан илгари сўйган бўлса, ўрнига бошқа қурбонлик сўйсин. Ким сўймаган бўлса, Оллоҳнинг номи билан сўйсин»*, – дедилар. (Муттафақун алайҳ. Имом Бухорий «Саҳиҳ», ҳадис № 985. Жундуб разияллоҳу анҳу ривояти).

Ҳой мўминлар, бу кунлардаги солиҳ амаллардан бири – ҳайит намозидир. Унда иштирок этиш ва ўқишга ҳарис бўлингиз. Чунки у – пайғамбарингиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг суннатидир. Ҳой мўминлар, ўзингиз фарзандларингиз ва рафиқаларингиз билан намоз ўқилган жойга бирга чиқингиз!

Умму Атийя (разияллоҳу анҳо) шундай дейди: *«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни балоғат ёшига етган қизлар ва уй ичида ўтирган хотинларни, ҳатто ҳайз кўраётган аёлларни, намозгоҳга чиқаришга буюрар эдилар. Улар эркакларнинг орқаларида туришар,*

*эркакларнинг такбирлари билан такбир айтишар, дуоларига қўшилиб дуо қилишар ва ўша кунинг баракаси ва мусаффолиги тилагида бўлишар эди».* (Имом Бухорий «Саҳиҳ: Жума ҳақидаги китоб», ҳадис № 971, 974, 980/«Ҳаж ҳақидаги китоб», ҳадис № 1652).

Шундай экан, намозгоҳларга чиқинглар ва Оллоҳни кўп зикр қилинглар! Шояд нажот топарсизлар.